# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 8 июнь, № 116 (7346) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПАРЛАМЕНТИ МАЖЛИСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 июнь куни Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Қозоғистон Парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беришини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси самимий қабул учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдириб, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда томонлар Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил апрель ойида амалга оширган Ўзбекистонга илк давлат ташрифи якунлари кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, уни амалий мазмун билан бойитиш борасида ўзаро интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқлаганини таъкидладилар.

Икки томонлама савдо ҳажми ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. 2018 йилда товар айирбошлаш 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошди. Яқин йилларда бу кўрсаткични камида 5 миллиард долларга етказиш вазифаси турибди.

Мамлакатларимиз етакчи компания ва корхоналари иштирокида кооперация асосида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Транспорт соҳасида янги автобус ва темир йўл йўналишлари очилди, шаҳарлар ўртасидаги авиақатновлар кўпайтирилди, юк ташиш ҳажми ортмоқда.

Ҳудудлараро алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда, маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда. Ўтган йили Қозоғистонда "Ўзбекистон йили" муваффақиятли ўтказилди, жорий йилда эса мамлакатимизда тадбирларга бой дастур асосида "Қозоғистон йили" ўтмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон — Қозоғистон парламентлараро ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатларимиз парламентлари қўмиталари даражасида фаол алоқаларни йўлга қўйиш, эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш ва янги шериклик лойиҳаларини илгари суриш мақсадида парламентлараро дўстлик гуруҳлари имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

Нурлан Нигматулин Қозоғистон олий қонун чиқарувчи органи парламентлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашда, шунингдек, қардош халқларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ташаббусларни рўёбга чиқаришда ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Республикаси сиёсий ҳаётидаги энг муҳим тадбир — жорий йил 9 июнь куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови муваффақиятли ўтишини тилади.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

# ҲУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июнь куни ҳудудларда саноатни ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон ва вилоятларга ташрифлари чоғида қатор корхоналар ишга туширилган, яна кўпларининг тақдимотлари ўтказилган эди. Бундан ташқари, ҳозирги кунда Бош вазир ўринбосари бошчилигида ишчи гуруҳ тузилиб, саноати нисбатан ортда қолаётган ҳудудлар бўйича қўшимча саноат лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳаларни инфратузилма қувватлари мавжуд объектлар ва майдонларга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда шу борада амалга оширилаётган ишлар Андижон вилояти мисолида таҳлил қилинди.

Мазкур вилоятда саноат диверсификация қилинмагани, ишлаб чиқариш фақат икки тармоқ — автомобилсозлик ва тўқимачиликка боғланиб қолгани қайд этилди. Ҳудудий саноатда банд бўлганларнинг қарийб 60 фоизи, ишлаб чиқариш ҳажмининг 83 фоизи ушбу тармоқлар ҳиссасига тўғри келади. Бўз, Булоқбоши, Избоскан, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Жалақудуқ, Балиқчи, Улуғнор туманларида саноат яхши ривожланмаган.

Аҳоли зич яшайдиган, ҳар қарич ер олтинга тенг бўлган вилоятда 98 та давлат объектида зарур инфратузилмага эга 90 гектар майдон ва 163 минг квадрат метр бино бўш турибди.

Президентимизнинг бундай бино ва ерлардан самарали фойдаланиб, кўпроқ иш ўрни яратадиган корхоналар ташкил этиш, туманларда саноатни диверсификация қилишга оид топшириғига мувофиқ, Андижон вилоятида 2022 йилгача амалга ошириладиган 236 та янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Улар, аввалги лойиҳалар билан қўшиб ҳисоблаганда, яқин уч йилда қарийб 41 мингта доимий иш жойлари ташкил этиш ҳамда 1 миллиард 87 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш имконини беради. Вилоят саноати диверсификация қилиниб, ишлаб чиқариш ҳажми қурилиш материаллари тармоғида 4 баробар, электротехника, чарм-пойабзал ва кимё соҳаларида 2,1 баробар, озиқ-овқат саноатида 3 баробар кўпаяди. Туманлар миқёсида уларнинг саноат салоҳияти анча ошиб, ўзаро тафовут камаяди.

Йиғилишда ҳар бир лойиҳа бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва муддатларни аниқ белгилаган ҳолда, тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш, бўш турган давлат объектларида устувор равишда саноат лойиҳаларини жойлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Андижон вилояти электр энергияси бўйича катта захирага эгалигини ҳисобга олган ҳолда, қувватларни тўғри тақсимлаб, янги лойиҳаларга етказиб бериш зарурлиги таъкидланди. Саноат лойиҳаларини аниқ молиявий манбалар билан таъминлаш, уларга тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона водийсида саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестиция фонди тузилишини таъкидлади. Ушбу фонд фоизли кредитлар ажратмайди, балки лойиҳада ўз маблағлари билан бизнес ҳамкор сифатида иштирок этади. Аҳоли учун муносиб иш ўрни яратадиган, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқарадиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу саъй-ҳаракатлар Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг ҳар бирида 10 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Шунингдек, кичик бизнес лойиҳалари учун гаровсиз микрокредит тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Шу боис мутасаддиларга халқаро тажриба асосида микромолиялаш хизматини ривожлантириш, бу борадаги чекловларни юмшатиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида бўш турган ёки самарали фойдаланилмаётган давлат ва нодавлат объектлари ҳисобини юритиш, улар негизида корхоналар ташкил этиб, иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўш турган бино ва иншоотларни ишга солиш бўйича кўплаб ваколатлар берилганига қарамай, маҳаллий ҳокимликлар ва солиқ идоралари бу борада сезиларли ўзгариш қилмагани танқидий баҳоланди. Ишламай турган иншоотлар ҳудудида барча инфратузилмага эга 22 минг гектар майдон борлиги қайд этилди. Аслида улар саноатни ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш учун тайёр жой.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини соддалаштириш, тугатиш жараёнини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортиқча маъмурий чекловларни бекор қилиш, бизнесни юритиш бўйича халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини янада яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлигининг 2020 йил 1 январдан бошлаб:

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича **доимий ишловчи махсус ҳудудий комиссияларни тугатиш**;

давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида **устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаганлиги учун тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибини бекор қилиш**;

давлат органлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини жорий этиш орқали тадбиркорлик субъектларини тугатиш жараёнидаги **ортиқча ҳужжатлар ва тартиб-таомилларни қисқартириш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. 2020 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) тадбиркорлик субъектлари — **юридик шахсларни** (кейинги ўринларда — корхоналар) **ихтиёрий тугатишда**:

бир ёки бир неча даврий босма нашрларда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълонлар бериш талаб этилмайди, бунда тегишли маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи органнинг расмий сайтига жойлаштирилади;

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

# Ўзбекистон илк бор БМТ Бош Ассамблеяси сессияси раисининг ўринбосари лавозимига сайланди

БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 74-сессияси раиси ўринбосари лавозимига сайланди.

Таъкидлаш жоизки, Бош Ассамблея ташкилотга аъзо барча давлатлар вакиллари кўрсатилган маслаҳат органидир. Ушбу орган тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, қуролсизлантириш, ривожлантириш, қашшоқликка барҳам бериш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун масъулдир. Бош Ассамблея кенг доирадаги халқаро масалаларни кўриб чиқади ва улар бўйича ечимлар қабул қилади.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ НОМИДАГИ РОССИЯ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИ» ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республика иқтисодиётининг саноат тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш, олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, 2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича келишувларни амалга ошириш юзасидан амалий тадбирлар режаси ("Йўл харитаси")ни ижро этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзкимёсаноат" АЖ ва "Д. И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) (кейинги ўринларда — Университет) Тошкент шаҳрида **"Д. И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин** (кейинги ўринларда — Филиал).

2. Қуйидагилар **Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

республиканинг саноат тармоқларидаги муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартларига мувофиқ тайёрлаш;

наноматериаллар кимёвий технологияси, материалшунослик ва материалларни коррозиядан сақлаш, материалларга бадиий ишлов бериш технологияси ва саноат ишлаб чиқаришининг бошқа соҳаларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮКЛАРНИ ХАЛҚАРО ТАШИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда автомобилда юкларни халқаро ташиш соҳасида хорижий давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларини тартибга солиш, миллий ташувчиларнинг катта юк автотранспорт воситалари паркини янгилаш ва модернизация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва транспорт хизматлари халқаро бозорида уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга йўналтирилган салмоқли чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга республиканинг ўсиб бораётган экспорт салоҳияти ва экспорт қилинадиган маҳсулотлар қийматида транспорт харажатларини мақбуллаштириш зарурати катта юк автотранспорт воситалари парки қувватини ошириш, маҳаллий ташувчилар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилишини талаб этади.

Миллий ташувчиларнинг катта юк автотранспорт воситалари паркини янада янгилаш ва модернизация қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, ички ва ташқи бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо фаолиятини транспорт-логистик таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).

# КЎЗ-ЁШЛАРДА АКС ЭТГАН ОРЗУЛАР РЎЁБИ



Инсон қадри улуғ

**Инсон ўз уйига эга бўлмагунича, чин ҳаловат нималигини билмайди. Туражой соҳибига айлангач эса, катта бир ташвишдан қутулиб, кўнгли таскин топади, кўзи қувонади. Бир пиёла чойини эмин-эркин ичиб, хотиржамликни қалбан ҳис қилади. Иши, касб-кори, ўзи ва бола-чақасининг орзу-мақсадлари рўёби ҳақида ўйлайди, унга эришиш учун энди бошқача бир куч билан интилади. Бинобарин, инсоннинг ҳаётга қарашини ўзгартирадиган, жамиятга, давлатга ва келажакка ишончини мустаҳкамлайдиган бирламчи омил ҳам, ҳар бир оиланинг энг гўзал хотиралари ҳам айнан уй-жой билан боғлиқдир.**

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳамда солиқ қарзи мавжуд бўлмаган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти текширилмайди;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган, тугатиладиган корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текширишнинг энг узоқ даврийлиги уч йилни ташкил этади;

молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун ваколатли давлат органларидан корхона тўғрисидаги мавжуд маълумотларни олиш Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда — Тизим) орқали амалга оширилади;

корхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб олти ойдан ошмаслиги керак;

б) тадбиркорлик субъектлари — **жисмоний шахслар фаолиятини тўхтатишда** ариза берувчи томонидан давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисидаги хулосасини олиш талаб этилмайди;

в) **молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатишда**:

корхонани молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган деб ҳисоблаш учун асос бўладиган муддат тўққиз ойни ташкил этади;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналар давлат солиқ хизмати органининг тақдимномасига асосан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказилади;

ҳаракатсиз режимга ўтказилган корхоналар фаолияти уч йил давомида тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган уларни Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаради.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тизимга уланган давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан тегишли ахборотларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тарзда киритилишини таъминламаслик давлат хизматлари кўрсатилишининг белгиланган тартибини бузиш деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тизимга уланган давлат органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан тегишли ахборотлар ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тарзда киритилиши устидан, шу жумладан, Тизим орқали доимий назорат ўрнатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги бир ой муддатда ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини қабул қилишда архив хизматларининг амалдаги норматив бўйича аниқланадиган нархларини икки баробаргача пасайтириш чораларини кўрсин ҳамда натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Тизимни мазкур Фармон талабларига мослаштириш, манфаатдор давлат органлари ва ташкилотларининг унга уланишларини ташкил этиш бўйича молиялаштириш манбалари аниқ кўрсатилган чора-тадбирлар дастурини;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уч йил муддатга ҳаракатсиз режимга ўтказиш, фаолияти уч йил давомида тикланмаган тақдирда уларни Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестридан чиқаришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаларини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2020 йил 1 январдан эътиборан иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ НОМИДАГИ РОССИЯ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИ» ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

таълим ҳамда илм-фаннинг узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, уларни жаҳон таълими ва илм-фани ҳамжамиятига интеграция қилиш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

муҳандис-техник ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шаклларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;

таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг яқин интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш;

илмий-педагогик салоҳиятнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини фаол такомиллаштириш;

таълим ҳамда илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес ҳамжамияти билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

Филиал Университетнинг алоҳида таркибий бўлинмаси — олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиал, Университет билан келишган ҳолда, таълимнинг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, барча даражалардаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, шу жумладан, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ишларини амалга оширади;

Филиалда ўқитиш рус тилида, Россия Федерациясининг федерал таълим стандартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлар асосида амалга оширилади;

Филиалнинг таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади;

Филиалга абитуриентларни қабул қилиш, таълим фаолияти ва Филиал битирувчиларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Университет томонидан белгиланадиган талаб, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига ўқишни битирганларидан сўнг Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган белгиланган намунадаги диплом берилади.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) Университет қуйидагиларни таъминлашда кўмаклашади:

ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

Филиал мутахассисларининг малакасини ошириш ва профессор-ўқитувчилар таркибини қайта тайёрлаш;

Филиал кутубхона фондини шакллантириш ҳамда уни замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий техникавий адабиётлар билан тўлдириш;

б) Тошкент кимё-технология институти Филиалнинг академик ҳамкори ҳисобланади ва у:

Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини шакллантиришга кўмаклашади;

илмий-методик ёрдам кўрсатади, лаборатория ва илмий тадқиқот ишларини бажариш учун лаборатория хоналари, ўқув адабиётлари ҳамда ускуналарни беғараз асосда тақдим этади.

5. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳридаги "Д. И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалида **кадрлар тайёрлаш бўйича бакалавриат таълимининг асосий йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари** 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги "Д. И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалининг **Васийлик кенгаши таркиби** (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) 2-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳридаги "Д. И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети" Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш бўйича **Ташкилий комиссия таркиби** 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Ташкилий комиссия:

2019 йил 1 августга қадар Филиални жойлаштириш бўйича бино ва иншоотлардаги зарур таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширсин, шунингдек, Филиал талабалари ва ўқитувчилари яшаши учун ётоқхона тайёрласин;

2019 йил 25 августга қадар Филиални жойлаштириш ҳамда уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, кутубхона фонди, компьютер ва бошқа оргтехника билан таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиалга қабул квоталари манфаатдор вазирлик ва идораларнинг тегишли кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, Университет ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, Филиал Васийлик кенгашининг қарори билан тасдиқланади;

давлат гранти асосида таълим олган Филиал битирувчилари **республика ташкилотларига беш йилдан кам бўлмаган муддатга мажбурий ишлаб бериш шарти билан ишга тақсимланади**;

б) Филиал фаолиятини молиялаштириш:

талабаларни давлат грантлари бўйича ўқитиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, бироқ Филиалга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадаллари;

халқаро молия институтлари грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

8. Филиал Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 47-уйда жойлашган Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўқув жараёнини Мирзо Улуғбек саноат касб-ҳунар коллежи биносида ўқишлари битгунга қадар давом эттирадилар.

9. "Ўзкимёсаноат" АЖ корхоналарининг уларнинг маблағлари ҳисобидан Филиални ташкил этиш, унинг моддий-техника ва ўқув базасини шакллантириш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни, шу жумладан, бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер ва бошқа оргтехника, кутубхона фонди билан таъминлаш ишларини молиялаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

10. Белгилаб қўйилсинки, Филиалга Университетдан жалб қилинадиган профессор ва ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатлари ўқув жараёнининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

11. Филиалга ўқитувчилик ва илмий фаолият олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифларда тўлашга рухсат берилсин.

12. Белгилансинки, Филиал таъминоти учун бюджет ажратмалари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Университет ва "Ўзкимёсаноат" АЖ билан ҳамкорликда:

икки ой муддатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва келишилиши, Филиалнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва унинг ташкилий тузилмаси тасдиқланиши;

2019 йил 1 августга қадар Филиалнинг танлов асосида малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан тўлдирилишини таъминласин.

14. Филиалга иккита енгил автотранспорт, жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан белгиланган тартибда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш манзиллари бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртманомаларига биноан чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш учун тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

18. 2022 йил 1 июнга қадар Филиал фаолиятини таъминлаш ва уни жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-методик адабиёт, инвентарь ва моддий-техник ресурслар божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

19. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЮКЛАРНИ ХАЛҚАРО ТАШИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2019 — 2021 йиллар даврида автомобилда халқаро юк ташиш учун фойдаланиладиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасидан автомобиль транспортида юкларни халқаро ташийдиган тадбиркорлик субъектларига қуйидагиларни беришни назарда тутувчи **маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган катта юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва яримтиркамаларни сотиб олишда миллий ташувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини** жорий этиш:

тижорат банкларининг **жалб этиладиган кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга,** миллий валютадаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 25 фоизи миқдорида, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда, хорижий валютадаги кредитлар бўйича — тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 40 фоизи, бироқ 3 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда **компенсация бериш**;

тижорат банкларининг **кредитлари бўйича** кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 2 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда **кафиллик бериш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 — 2021 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ушбу бандда кўрсатилган мақсадлар учун зарур маблағларнинг босқичма-босқич ажратилишини таъминласин.

2. Белгилансинки:

ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб **4 йилдан ортиқ муддат ўтмаган** катта юк автотранспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб **6 йилдан ортиқ муддат ўтмаган** тиркамалар ва яримтиркамалар тижорат банклари томонидан уларни кредитга сотиб олишда ҳар икки томоннинг розилиги билан гаров таъминоти сифатида қабул қилиниши мумкин;

солиқ солиш мақсадида йўл қўйилиши мумкин бўлган юқори массаси 12 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобиллари (самосваллардан ташқари), ўтиргичли тягач (шатак), шунингдек, максимал массаси 10 тоннадан ортиқ бўлган тиркамалар ва яримтиркамаларнинг йиллик чекланган амортизация нормаси **10 фоизни** ташкил этади;

миллий ташувчиларга сотиш учун катта юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва яримтиркамаларни импорт қилиш техник топшириқларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази" ДУКда мажбурий экспертиза қилмасдан ва рўйхатдан ўтказмасдан амалга оширилади.

3. Белгилансинки, битта автотранспорт воситаси ҳисобига юк ташиш бўйича хизматлар экспортидан бир йилда **20 000 АҚШ долларидан ортиқ тушум** олган миллий ташувчиларга уларнинг аризаси бўйича халқаро ташишларда фойдаланиладиган ҳар бир автотранспорт воситасига чораклар бўйича тақсимланган рухсатномалар сони доирасида халқаро автомобилда ташишга аниқ бир давлатнинг 2 та рухсатномаси берилади.

Бунда, ташувчи томонидан олдинги ҳисобот йилида халқаро автомобилда ташишга олинган хорижий ва (ёки) кўп томонлама рухсатномалар сонининг камида 70 фоизидан фойдаланиш ушбу норма қўлланишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

4. Хорижий ва (ёки) кўп томонлама рухсатнома берилганлиги учун йиғим миқдори рухсатнома берилган санада Ўзбекистон Республикасида белгиланган **базавий ҳисоб-китоб миқдорининг тўртдан биригача** пасайтирилсин.

5. Миллий ташувчиларга (резидентларга):

а) **норезидентлардан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида накд хорижий валютани** транспорт экспедицияси шартномалари (юкларни ташиш) бўйича ҳақ тўлаш ҳисобига **олишга**, олинган суммани Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида очилган ўзининг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларига ўтказишга рухсат берилсин. Бунда халқаро товар-транспорт юк хати халқаро ташишлар бажарилганлигининг тасдиғи ҳисобланади;

б) юкларни халқаро автомобилда ташийдиган ҳайдовчиларга хизмат сафарида, шу жумладан, йўлда бўлган вақтда улар томонидан тураржой ижараси ва суткалик харажатларни ҳар бир сутка учун **тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмасдан** умумий тўлов шаклида:

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида** бўлган вақт учун — белгиланган базавий ҳисоб-китоб миқдорининг 50 фоизигача;

**Ўзбекистон Республикасидан ташқарида** бўлган вақт учун — 60 АҚШ долларигача бўлган миқдорда қоплашга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2019 — 2021 йиллар даврида ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 4 йилдан ортиқ муддат ўтмаган маҳаллий ва чет элда ишлаб чиқарилган катта юк автотранспорт воситалари, тиркамалар ва яримтиркамаларни, шу жумладан, лизинг асосида сотиб олишни молиялаштириш учун ҳар йили хорижий молиявий институтларнинг камида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги узоқ муддатли кредит ресурсларини жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин.

7. "JV MAN — Auto Uzbekistan" МЧЖ ҚК ва "MAN Truck and Bus AG" (Германия) компанияси ўртасида:

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўтиргичли тягач (шатак)ларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида улар қийматини оптималлаштириш доирасида автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариш учун Германия томонидан бутловчи буюмлар ва узелларга 10 фоиз миқдорида чегирма берилиши;

ишлаб чиқарилган пайтидан бошлаб 4 йилдан ортиқ муддат ўтмаган, Европада ишлаб чиқарилган "MAN" русумли катта юк автотранспорт воситалари марказлаштирилган тартибда етказиб берилиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлақонли сервис хизмати таъминланиши тўғрисида аҳдлашувга эришилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. "Ўзавтосаноат" АЖнинг "JV MAN — Auto Uzbekistan" МЧЖ ҚК ва "UzAuto Trailer" томонидан ишлаб чиқарилган янги маҳсулотлар маҳсулот қийматига инфляция даражаси доирасида тузатиш киритиш имконияти билан **икки йилгача муддат билан тўловни фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш** шартларида сотиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига 1957 йил 30 сентябрда Женева шаҳрида имзоланган Европа хавфли юкларни йўлларда халқаро ташиш тўғрисидаги битимга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича таклиф киритсин.

10. Молия вазирлиги Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига миллий ташувчиларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суғурта полисларини "Яшил харита" халқаро тизими бўйича сотиб олиш учун шарт-шароитларни назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги икки ой муддатда "Евро-3", "Евро-4" ва "Евро-5" стандартлари дизель ёнилғисини импорт қилиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун тадбиркорлик субъектларини ва хорижий компанияларни уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилган ҳолда жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари халқаро автомобилда юк ташувчи миллий ташувчиларнинг буюртманомалари бўйича ҳаракатланадиган таркибни сақлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъминлаш учун мўлжалланган автотранспорт корхоналарини жойлаштириш ва қуриш учун фойдаланилмаётган бинолар ва ишлаб чиқариш майдонларини, шунингдек, экин экиладиган ерлардан ташқари қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини белгиланган тартибда беришни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Транспорт вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Логистика марказлари ва йўлбўйи инфратузилмаси объектларининг интеграциялаштирилган тармоғини ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича Тадбирлар режаси лойиҳаларини киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

икки ой муддатда юк ташишларнинг потенциал буюртмачиларини тизимли хабардор қилиш учун умумтарқалган электрон тизимларда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларининг асосий тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган миллий ташувчиларнинг ягона реестри шакллантирилишини;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини;

олдин қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Н. С. Отажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 7 июнь

# НАВОИЙ — ЖАҲОН ЮЛДУЗИ

*Дин ва тил бирлигидан мужассам бўлган дил бирлиги қозоқ билан ўзбекни тарих силсиласида яқинлаштирди, кўп асрлик ўзаро меҳр-оқибатда кечган умр, юзлаб йилларни қамраган аҳил қўшничилик тақдирларимизни айрилмас қилиб туташтирди. Марказий Осиёдаги энг йирик икки давлат ўзаро ҳамдўстлигининг салоҳияти бениҳоя буюк, унинг имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти. Мазкур йўналишда кейинги йилларда йўлга қўйилган изчил ишлар, давлатлараро муносабатлардаги очиқлик, одамлар ўртасида борди-келдининг кўпайгани барчани қувонтирди. Шу ўринда ўтган йилнинг Қозоғистонда “Ўзбекистон йили”, бу йилнинг Ўзбекистонда “Қозоғистон йили” деб эълон қилингани қардош халқларни илгаригидан ҳам кўпроқ яқинлаштиришга таъсир кўрсатиши турган гап.*



## Дўстлик ришталари

Яқинда Қозоғистон санъат усталарининг Тошкент марказидаги саройда концертини кўриб ўтирган томошабинларнинг юзларидаги мамнуният ифодасини ҳис этиш нечоғли мароқли бўлганини миннатдорлик билан айта оламиз. Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг музокаралари мамлакатлар орасидаги стратегик шерикликни, тотув қўшничиликни, ўзаро самарали ҳамкорликни янги поғонага кўтарган кунларда, яъни 19 апрель куни Нур-Султон шаҳрида “Шарқ юлдузи — Навоий” халқаро маънавият кечасининг уюштирилиши айни муддао бўлди.

Ўша жойдаги сўзимизда, аслида “Жаҳон юлдузи — Навоий” десак ҳам ҳеч муболаға бўлмас эди. Меркурий сайёрасидаги улкан кратерга номи қўйилган, Ер юзидаги кўплаб мамлакатларнинг пойтахтларида ҳайкаллари ўрнатилган, XVI асрнинг ўзидаёқ ўзгача овози дунёнинг энг чекка-чеккаларига етиб борган Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг исмини жаҳон адабиётидан хабардор ҳар бир одам билади, сўз санъатининг қадрини тушуна оладиган ҳар бир китобхон бениҳоя эъзозлайди. 2007 йили Вашингтонда “Алишер Навоий ва унинг Ўрта Осиё халқларининг маданий ривожланишига таъсири” мавзуида халқаро конференция ўтказилганлиги ҳам кўп нарсани англатади. Дарҳақиқат, буюк мутафаккирнинг, айниқса, Ўрта Осиёдаги халқлар маънавиятига кўрсатган таъсири ўзгача бўлгани, шубҳасиз. Туркий тиллардаги мумтоз адабиёт, том маънода, Алишер Навоийдан бошланган, дейиш мумкин. Навоийгача шеър тили форсий саналиб келингани аниқ ҳақиқат. У яшаган замонда туркий тилни, шеър ёзишга ноқулай тил, деб ҳисоблашган. Навоий — асрлар бўйи қолиплашган, тафаккурда ўрнашиб қолган шу тушунчани парчалаб ташлаган инсондир. Алишернинг ғазалларидан кейин форсий ягона адабий тил мақомидан ажралган эди. Навоий исмининг биз учун ўзгача қадрлилиги — туркий тилнинг назмий қудратини биринчи бўлиб намоён этганида, бутун оламга тан олдирганида. Н. И. Конрад, Е. Э. Бертельс, В. М. Жирмунский сингари жаҳонга машҳур адабиётшуносларнинг асарларига кўз ташлаган одам Навоий шеъриятининг гўзаллигини зийраклик билан ҳис эта олади, шоир қаламининг тимсол (образ), эпитет ва метафорага бойлигидан ҳайратланмай қолмайди. Ҳазрат Алишер ўзига Навоий тахаллусини бежиз танламаган. Шоир шеър, ғазал, достонларини чиройли қўшиқдай эшитиладиган майин оҳангга йўғириб етказади. Юқорида айтилган “ўша XVI асрнинг ўзидаёқ ўзгача овози дунёнинг чекка-чеккаларига етиб борган” деганимиз анчайин баландпарвоз сўз эмас. Ҳали ҳаётлигидаёқ сўзи таржима қилинган Шарқ тилларини қўйиб турайлигу, Навоийнинг шеърлари Европа тилларига ҳам тез ўгирилган. Муса Тожихўжаев “Из истории переводов произведений Алишера Навои на европейские языки” номли мақоласида шоирнинг дастлабки поэмаси немис тилига 1583 йилда итальян тили орқали таржима қилинган, деган маълумотни келтиради.

Навоий асарларини, асосан, туркий адабий чиғатой тилида ёзганига қойил қолган Абдураҳмон Жомий: “У ки як турк буд ва ман тожик, ҳар ду доштем хешии наздик” (“У турк бўлса, мен тожик, дўстликни куйлаб юрибмиз иккимиз”) деган. Ўн беш ёшиданоқ туркий ва форсий тилларда басма-бас шеър ёзган буюк шоир турли қаршиликларга қарамай она тилининг байроғини баланд кўтаришни ҳаётининг мазмуни, мақсади деб билди. Алишер Навоий “Икки тил муҳокамаси” (“Муҳокамат ул-луғатайн”) деган илмий қўлланмасида: “Турк тилининг жомияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон таб› аҳли салоҳият ва таб›ларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди”, дея туриб, ўзининг назм бобидаги меҳнатига ҳам баҳо беради: “Ва хаёлимға мундоқ келурким, турк улуси фасиҳлариға улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг иборат ва алфоз бобида та›н қилур сарзанишидин қутулдилар”. “Мезон ул-авзон” (“Вазнлар ўлчови”) илмий қўлланмасида шоир адабиёт назарияси масалаларини айнан бугун англашиладиган академик пухталик билан, теранлик билан кўтариб чиқади. Ундаги қоидалар кейинчалик чиғатой тилли адабиётнинг ҳаммаси учун умумий, қимматли қоидаларга айланди. Ўз замонасидаги 400 шоирнинг қисқача таржимаи ҳолини баён этиб, шеърларини таҳлил қилган “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”) тазкираси унинг нечоғли иқтидорли адабиётчи бўлганини яққол кўрсатади. “Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам подшоҳлари тарихи”) асарини интернетдан топиб ўқиган одам Навоийни тарихчи мутахассис деб билиши турган гап. Навоийнинг олис ўн бешинчи асрдаёқ адабиётга шунчалик ихлос қўйиши кишини ҳайратлантиради.

**Меркурий сайёрасидаги улкан кратерга номи қўйилган, Ер юзидаги кўплаб мамлакатларнинг пойтахтларида ҳайкаллари ўрнатилган, XVI асрнинг ўзидаёқ ўзгача овози дунёнинг энг чекка-чеккаларига етиб борган Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг исмини жаҳон адабиётидан хабардор ҳар бир одам билади, сўз санъатининг қадрини тушуна оладиган ҳар бир китобхон бениҳоя эъзозлайди.**

Нур-Султондаги кечада сўзлаган нутқида ёзувчи Муҳаммад Али Аҳмедов шоир асарларининг 20 жилд бўлиб нашрдан чиққанини айтди. Биз эса Навоий ижодининг рус тилидаги 8 жилдинигина биламиз, ўқийдиганимиз ҳам шулар. Низомийнинг энг яхши намунаси бўйича туркий тилда “Хамса” ёзишини олдиндан эълон қилиб, орадан кўп вақт ўтказмай, 1483 — 1485 йиллар ичида “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхшилар ҳайрати”), “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъайи сайёр” (“Етти сайёра”), “Садди Искандарий” (“Искандар девори”) номли биридан-бири ўтадиган бешта достонни бирин-кетин битилгани замирида ўзининг алломалигига комил ишонч, яъни донишмандларга хос фазилат ётади. Шулардан учтасини — “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъайи сайёр”ни бир йил ичида, 1484 йилда ёзган экан. Нақадар битмас-туганмас илҳом! Ҳар бири битта жилдли улкан достонлар-ку улар!

Навоий исмининг ҳар бир қозоқ боласига яқинлигининг яна бир сабаби бор. Навоий — бизнинг улуғ мутафаккиримиз Абай ибрат олган, ўзига устоз деб билган шоир. Ҳали ёшлик пайтида, мадрасада ўқиб юрганида ёзган дастлабки шеърларининг бирида Абай шундай дейди:

***Фузулий, Шамси, Сайқалий,***
***Навоий, Саъдий, Фирдавсий,***
***Хожа Ҳофиз — бу ҳаммаси,***
***Мадад бер шоири фарёд.***

Шарқнинг етти буюк шоири қаторида Абай тилга олган, мадад бер деб сиғинган Навоий қозоқнинг ҳам қалбига яқин. Бизнинг тилимизда ҳикматли иборага, мақолга айланган талай сўзларни Навоий ғазалларидан топа оламиз. Масалан, “Жаннат боғи она лар оёғи остидадур” деган нақлни Алишер Навоий ўша замондаёқ “Онолар оёғи остидадур, Равзайи жаннату жинон боғи” деб ёзиб кетган. Шоирнинг шеърлари қозоқ тилига талай марта таржима қилинган, кўп бор алоҳида китоб бўлиб ҳам чиққан. Уларнинг орасида алоҳида таъкидлашга арзийдигани — Давлат мукофоти лауреати Несипбек Айтули ўгирган “Садди Искандарий” достони. Оқин Айтули Дўстлик уйидаги кечада сўзлаган нутқида, “Лайли ва Мажнун” таржимасини тугатганини, Худо хоҳласа, бу йил нашр этилишини айтиб, ўзбекистонлик меҳмонларни ҳам, йиғилган адабиёт мухлисларини ҳам севинтирди. Жамоат арбоби, Абай шеърларини ўзбек тилига таржима қилувчи Меҳмонқул Исломқулов кечада қозоқ тилида айтган сўзида (ўзи бизга жиян экан) Несипбек оқиннинг таржималарини қардош мамлакатдаги адабиётчилар ўта қадрлашларини мамнуният билан таъкидлади.

Умуман олганда, Низомиддин Мир Алишер Навоий барчамизнинг бобомиз, баримизнинг фахримиздир. У бутун башариятнинг донишманди. Алишер Навоий номи жаҳон адабиёти классиклари орасида Гомер ва Данте, Румий ва Фирдавсий, Низомий ва Жомий, Шекспир ва Гёте, Пушкин ва Толстой исмлари билан бир қаторда туради, десак, ҳеч муболағаси йўқ. Бунинг устига, яхшининг ҳаммаси умумий, яхши шоир ҳам, албатта. Буни Навоийдан яхшироқ айтиш қийин: “Ер кимники — экканники, ўрганники, Шоир кимники — ўқиганники, куйлаганники”. Абай отамиз устоз деб билган, бутун ижодида инсонийликни, ҳалолликни, дўстликни, покликни, олижанобликни туғ қилиб кўтарган тоғдек буюк истеъдод эгаси Алишер Навоий — икки қардош халқнинг ўртасидаги олтин кўприклардан биридир.

**Саутбек АБДРАХМАНОВ,**
**Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлисининг депутати, филология фанлари доктори.**

«Егемен Қазақстан»дан.
(Қозоқ тилидан Ислом АБДУНАБИЕВ ўгирди).

# «Томоша» болалар мусиқий театри учун янги бино

*Пойтахтимизнинг Матбуотчилар кўчасида “Томоша” болалар мусиқий театрининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди.*

*Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан театрлар фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, “Томоша” болалар театри ва бош ҳомий — АТ “Алоқабанк” орасида “Дўстлик клуби” тузилган.*



## Маънавият

“Алоқабанк”нинг саъй-ҳаракатлари туфайли “Томоша” болалар театр студиясида янада қулай шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, 377 ўринли томошабинлар зали, қулай репетиция хоналари, турли кўргазма ва тадбирлар ўтказишга мўлжалланган кенг, ёруғ театр фойеси кўркам қиёфа касб этди.

Бу фарзандларимизга бебаҳо совға бўлди, айни чоғда 30 йил давомида фидоий фаолият кўрсатиб келган театр жамоасини янги ижодий чўққиларни забт этишга илҳомлантирди.

— Ота-онам билан Зангиотадан келдик, — дейди ушбу тумандаги 44-умумтаълим мактаби ўқувчиси Бинафша Бўронова. — Театр чиройли, ҳамма томони янги экан. Бизга совғалар беришди. Энди бу ерга оиламиз билан тез-тез келиб, спектаклляр томоша қиламиз.

Мазкур муассаса 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни қамраб олувчи Ўрта Осиёдаги ягона театр ҳисобланиб, у Голландия, Жанубий Корея, Германия, Ҳиндистон, Франция ҳамда Хитойдаги халқаро фестивалларнинг лауреатидир. Шунингдек, “Очиқ Европа” номли нуфузли фестивалнинг энг юксак мукофоти — “Гран-при”га сазовор бўлган.

“Томоша” театр студияси давлат миқёсидаги байрамларда ҳам иштирок этиб келади.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ОЛИЙ ФАРМАЦЕВТИК МАЪЛУМОТ
икки олий ўқув юртининг дипломи билан (2 босқичли)

Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университети ва Тошкент фармацевтика институти ўртасида ташкил этилган қўшма халқаро факультетнинг бакалавриат таълим йўналишига 2019/2020 ўқув йили учун қабул эълон қилинади.

Таълим рус тилида, «Фармация» таълим йўналиши бўйича уйғунлаштирилган ўқув дастури асосида олиб борилади.
Таълим жараёнининг давомийлиги 5 йил:
* шундан 3 ўқув йили — таълим жараёни Тошкент фармацевтика институтида амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси;
* 2 йил — Санкт-Петербург давлат кимё-фармацевтика университетида амалга оширилади, Россия Федерацияси.
* Қўшма факультетга қабул квотаси — 50 нафар талаба.
* Уйғунлаштирилган ўқув-таълим дастури бўйича ўқитиш қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.
* Таълим тури — кундузги.
РУС ТИЛИНИ БИЛИШ ШАРТ.
Ҳужжатларни қабул қилиш вақти: 2019 йилнинг 5 — 30 июнь кунлари. Имтиҳонларни топшириш вақти: 2019 йилнинг 1 — 7 июль кунлари деб белгиланган.
2019/2020 ўқув йили учун кириш имтиҳонлари:
1. Рус тили — диктант;
2. Кимё — тест;
3. Биология — тест.

Қабул комиссиясининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Мўлжал: «Ойбек» метро бекати.
Телефонлар: 71-256-37-38, 71-256-06-62. E-mail: http://pharmi.uz/
445R/309

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК
«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори
олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар
МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар
занжирли ва ғилдиракли юришдаги экскаваторлар
санчқили юклагичлар



Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда
ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар
гидравлика



Маҳсулот сертификатланган.
64R/435
Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:
Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).
Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.
VOLVO махсус қурилиш техникалари
Ғилдиракли экскаваторлар
Занжирли экскаваторлар



SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)
фронтал юклагичлар
Экскаватор-юклагичлар
Автогрейдерлар
Катоклар



Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади.
Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.
Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.
Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони).
Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
416J/
Маҳсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — М. Аҳмаджонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6